

# ВАТАНШАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ  
ОРГАНИ

● 2003 йил, 1 май, пайшанба № 53 (1785)

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ  
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 1 мая, 2003 г. № 53 (1785).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

## Меҳмонхоналар билан танишув

Шу йил 4—5 май кунларини дунёнинг энг нуфузли моли ташкилотларидан бири — Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши йиллик мажлисининг Тошкент шаҳрида ўтказилиши жаҳон миёсидаги муҳим воқеа бўлиб қолиши шубҳасиздир. Мамлакатимиз ҳаётида катта аҳамият касб этувчи ушбу анжуманга пойтахтимизда кенг кўламда тайёргарлик кўрилди. Хусусан; бу халқаро анжуманга ташриф буюрадиган меҳмонларни муносиб кутиб олиш мақсадида шаҳар меҳмонхоналари хўжалигини янада тақомиллаштириш, янги меҳмонхоналар барпо этиш ва мавжудларини жаҳон андозлари даражасида таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов 29 апрель куни мамлакатимиз пойтахтидаги таъмирдан чиқарилган ва янги қурилган меҳмонхоналар билан танишди.

«Гранд Мир» (аввалги «Россия») — таъмирдан чиққан ана шундай меҳмонхоналардан бири. Бунинг учун Туркиянинг «Демир груп» компанияси билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этилди. Низом жамғармаси салкам 4 миллион АҚШ долларида иборат мазкур қўшма корхона томонидан қисқа фурсатда амал-

га оширилган кенг кўламда ишлар натижаси ўлароқ, эски меҳмонхона ўрнида етти қаватли, 126 номер, уч ресторан ва бошқа қулайликларга эга замонавий тўрт юлдузли меҳмонхона барпо этилди.

Президентимиз бу ерда меҳмонлар учун яратилган шароит билан танишди, меҳмонхона мутасаддилари билан мулоқотда бўлди.

Пойтахтимиздаги «Тошкент» меҳмонхонасининг биноси ҳам таъмирдан кейин ўзгача хусус ва тароват касб этди. «Ле Меридиан-Тошкент палас» деб номланган мазкур тўрт юлдузли меҳмонхона 260 номердан иборат. Уни таъмирлашда Туркиянинг «Айсел» компанияси муносиб ҳисса қўшди. Меҳмонхона фаолиятини бошқариш юзасидан Буюк Британиянинг «Ле Меридиан-Тошкент» компанияси билан шартнома тузилган. Юртбошимиз бу ердаги замонавий жиҳозланган шинам хоналар, фитнес-марказ, бассейн ва дўконларни кўздан кечирди.

Ислоҳ Каримов «Дўстлик» меҳмонхонаси ўрнида қад ростлаган «Дедеман Силк Роад-Тошкент» меҳмонхонасида ҳам бўлди. Бу ердаги қулай жиҳозланган хоналар, ресторан, барлар, спорт-соғломлаштириш маркази, бассейнни кўрди. Ушбу тўрт юлдузли, 206 номердан иборат меҳмонхонани таъмир-

лашда Туркиянинг «Апеас» компанияси билан тузилган қўшма корхона фаолият кўрсатди. Уни бошқаришни Туркиянинг «Дедеман» компанияси ўз зиммасига олган.

— Яқиндагина бу ер ташландиқ жой эди, қисқа фурсат ичида пойтахтимиз ҳуснига кўрк қўшиб турган шундай гўзал бино бўлиб бўлди, — деди Юртбошимиз Амир Темур кўчасидаги «Тошкент-Лэнд» рўпарасида қад ростлаган 115 номерли «Радиссон САС-Тошкент» меҳмонхонаси билан танишув чоғида. — Хорижликлардан ўрганган ибратли тажрибамиз ҳисобига бугун юртимизда янги соҳа — меҳмонхона бизнеси шаклланаётгани қувонарлидир. Келгусида мана шундай шинам, гўзал ва қулай меҳмонхоналарни нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам барпо этгимиз лозим.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимизда бундай улкан ишларни амалга оширишда муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга миннатдорлик билдирди.

Мазкур меҳмонхоналарни таъмирлаш, янгиларини қуриш, атрофини ободонлаштириш, кўча ва хиёбонларни безаш, пойтахтимизда ўтадиган йирик халқаро анжуманга тайёргарлик ишларида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳиссаси катта.

(ЎЗА).

## ТОШКЕНТ АНЖУМАНГА ТАЙЁР

Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда ўтажак йиллик мажлисига саноқли кунлар қолди. Айни пайтда мамлакатимизда ушбу йирик халқаро тадбирга тайёргарлик ишлари деярли якувланди, деб таъкидлади анжуман матбуот маркази раҳбари Шерзод Қудратхўжаев журналистлар билан бўлган учрашувда. Анжуман ўтадиган бинолар, меҳмонхоналар, транспорт, алоқа воситалари тахт қилинди, умуман, меҳмонларнинг яшashi ва ишлаши учун зарур барча шароит ҳозирланди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси анжуманга қўра, бир йил Лондонда, кейинги гал эса аъзо давлатларнинг бирида ўтказиб келинар эди. Бироқ бу сафар, навбат бўйича Лондонда бўлиши кутилётган халқаро анжумани Тошкентда ўтказишга қарор қилинди.

Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Осиё қитъасида илк

бор ўтказилётган Тошкент анжумани минтақамиз, хусусан, Ўзбекистон ҳаётида улкан воқеадир. У Президент Ислоҳ Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимизда амалга ошириляётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотлар, эришилаётган улкан муваффақиятларнинг яна бир халқаро эътирофидир.

Мазкур йирик халқаро анжуман дунё иш одамлари, сиёсатчилари, умуман, халқаро ҳамжамият олдида эришган муваффақиятларимизнинг ўзига хос тақдиротига ҳам айланади, десак муболаға бўлмайди. Анжуманининг Тошкентда ўтказилиши дунё аҳлининг Ўзбекистонни барча давлатлар каби тенг ҳуқуқли, жаҳон айвоғида ўз сўзи, қарашлари ва тамойилларини дадил ўтказиб келаётган мамлакат сифатида таъ олганидан далолатдир.

Анжуманга беш президент, олти бош вазир ўринбосари, 34 вазир, 22 вазир ўринбосари, 12 марказий банк раҳ-

бари ташриф буюради. 61 расмий делегация иштирок этади. Шундан 59 таси давлатлар делегациясидир. Булар Тошкент анжуманини том маънодаги жаҳон иқтисодий олимпиадасига айлантириши турган гап.

Шунингдек, анжуманда подавлат ташкилотлардан 125 нафар вакил, юзлаб кузатувчилар қатнашади. Умуман, тадбирга жами 78 давлатдан меҳмон келиши кутилмоқда. Тадбирни маҳаллий журналистлар билан бирга, дунёнинг турли ахборот агентликлари, телевидение ва радио, газета ва журналларидан келган 191 нафар мухбир ёритиб боради.

4—5 май кунлари ўтажак анжуман Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширибгина қолмай, мамлакатимиз иқтисодий кудратини, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида эришяётган ютуқларига холис баҳо бериши, дунё давлатлари билан ҳамкорлик кўламларини янада кенгайтириш учун янги имкониятлар очади.

Саидмурод РАҲИМОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.

## Ҳамкорлик ҳар қандай офатни енгади

НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ўтказилган фавақулда вазиётларга қарши ҳаракат бўйича халқаро «Фарғона—2003» машқлари якувланди.

Уч кун давом этган машқларда етти давлатдан келган бир юз йигирма нафар қў-

дарувчи табиий офатлар оқибатларини намойиш этди. Бундай машқлар учун Фарғона вилояти бежиз танланмаган эди. Атрофи тор билан ўралган бу ҳудуд ер силқиниши, сув тошқинлари тез-тез содир бўлиб турадиган минтақалардан ҳисобланади. Бир неча йил илгари

Шоҳмардонда, юз берган сув тошқини ёки ўтган йили Фарғона туманига келган кучли сел барчани хушёрликка чақирди. Шу боис ҳам машқлар тошқин юз берган ана шундай жойларда ўтказилди. Бундай омиллар

(Давоми 2-бетда).

● СИНОВ МАШГУЛОТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

## Шайликни ошириш учун...

Катта лейтенант Ҳабибулла Эшчонов командирлигидаги артиллериячилар дивизиони шахсий таркибининг саф машгулотини бўйича синовларни қандай топшираётганини синчиклаб кузатдим. Командир госпиталда бўлгани учун ҳам унинг вазифасини вақтинча штаб бошлиги катта лейтенант Нуридин Раҳимов бажармоқда. Иккинчи босқичда синовлар ўша жамоа учун қўшимча имкон, дегани. Яъни, хато, камчиликларини тўғрилаш, янада пухта ҳозирлик кўришларига вақт бўлади. Аммо дивизион посбонларининг барчаси ҳам бу имкониятдан тўлақонли фойдалана билишган, деб айтиб бўлмайди. Масалан, шартнома бўйича хизмат кичик сержант Абдугани Каримов саф машгулотидан қониқарли баҳо олди. Бу «тўрт»

ёки «беш» баҳога ҳам айланиши мумкин эди-ку. Шартнома бўйича хизматчиларга профессионаллар сифатида қарашди. Демак, улар бошқаларга ўрнатилган бўлиши лозим. Абдугани йўл қўйган камчиликларга тўхталадиган бўлсак, у кичик командир сифатида сафни бошқаришни яхши билмайди. Масалан, сафни бошқаришнинг бир йўли командирлик овози орқали буйруқ бериш. Кўпроқ шунда посбон тажрибасизлигини сездириди. Кичик командирлардан яна бири шартнома бўйича хизмат кичик сержант Асрор Салимов ҳам кўплаб хатоликларга йўл қўйгани учун «3» баҳо олди. Аввало у сафдан чиқиб, бошлиқ олди-келишда хато қилди. Низом талаби бўйича икки-уч

(Давоми 2-бетда).



Оддий аскар Аъзамжон Абдуллаев лейтенант Шарофиддин Иномов командирлик қилаётган взводда снайпер бўлиб хизмат қилаётган. У яқинда бўлиб ўтган синовларда барча тайёргарликлардан аъло натижаларни қўлга киритди. Айниқса, ўз қуролидан нишонга отиш борасида маҳоратли мерган эканлигини намойиш этди.

Александр МРУЧАК олган сурат.

## Телефон доверия

В целях дальнейшего обеспечения социальной защиты военнослужащих и членов их семей, повышения организованности и порядка, устранения негативных явлений в воинских частях и учреждениях канцелярий военнослужащих может звонить по этим вопросам в Министерство обороны по «телефону доверия» с 9.00 до 19.00 ежедневно: 169-82-08 (Главное управление воспитательной работы); 169-11-72, 169-86-82 (юридическая служба Министерства обороны).

Также в эти дни вы можете позвонить по телефону 169-84-38 (Управление призыва и подготовки резервистов Министерства обороны) и задать свои вопросы, касающиеся проходящей призывной кампании.

# ШАЙЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН...

(Давоми. Боши 1-бетда).

қадам қолганда тўхтаб, бошлиққа етиб келгани маълум қилинади. Асрор ана шу масофада сақламади. Ҳарбийча саломлашганда бармоқлар жипслиги, кафт тўғрилигига эътибор қаратмади. Ҳаракатланиш чоғида бурилишлардаги камчиликлари ҳам кўзга ташланди.

Аслида шартнома бўйича хизматчи муддатли ҳарбий хизматдаги аскарларга намуна бўлмоғи лозим. Буни қарангки, саф машғулотдан синов топшираётган мазкур жамоада бунинг бир оз тескариси бўлди. Тошкентлик оддий аскар Александр Теннинг бу борадаги тайёргарлигини кузатамиз: «Уйга!», «Чапга!», «Орқага бурилиб юр!» командаларини аниқ бажарди. Айниқса, бурилишлар вақтида қўллар оёқларга мос ҳаракатланди. Командирлик овози синаб кўрилганда, у сафдошга

Ўзбекча номанда берди. «Ўзбекча бемалол сўзлаша олади. Энг аълочиларимиздан», дея посдон ҳақида маълумот бера бошлади батарея командири катта лейтенант Бобомирзо Дадабоев.

— Оддий аскарлар — Анвар Эгамбердиев, Дилшод Ортиқовларнинг саф тайёргарлиги юксак эканлиги аён бўлмоқда. Ҳозирча улар жамоасига юқори натижаларни олиб келаяпти. Сафдан чиқиш, ҳаракат вақтида бурилишларда айрим посдонларда тайёргарлик бир оз суст. Аммо такрор-такрор бажарилганда, рисоладагидек бўлаяпти, — дейди округ штабидан келган текширувчи майор Улугбек Жониев.

Машқларни кузатиб туриб, баъзи оддий аскарларда ҳам хатоларни кўраман. Масалан, оддий аскар Қудрат Раҳимов «Олдиамга!» командасини бажаришда хатоликка йўл қўйди. Гарчи

умумий баҳо «яхши» дея белгиланган бўлса-да, мазкур тайёргарлик бўйича ҳали қилинадиган ишлар кўп экан. Текширувчи офицер ҳам жамоанинг сардорларига буларни яхшилаб тушунтирди. Синовлар шуниси билан яхши-да. Командир ўз қўл остидагиларнинг тайёргарлик даражасини тажрибали офицерлар нингоҳи билан кўради. Камчиликларни аниқлаб, кейинги мавсумда буни баргараф этиш йўллари излайди. Шу ўринда дивизион командирига ҳам айтар сўзимиз бор. Ушбу тайёргарлик мисолида аён бўлаяптики, кичик командирлар тарихи билан ишлаш унча яхши йўлга қўйилмаган. Шу боис бу борадаги бўшлиқни тўлдириш жамоа жанговар шайлигини оширишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Капитан Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

# СИНОВЛАРНИ ОРТДА ҚОЛДИРИБ

Акаси Баҳром ҳарбий билми юртини тугатиб, офицерлик либосида уйга келиб-кетганидан кейин заводда слесарлик қилаётган Баҳриддиннинг бира тўла ишдан кўнгли совида-қолди. Уғлидаги ўзгаришни сезган Очил ака бир кунни уни сўроққа тутди.

— Ҳа, ўғлим, тинчликми, бу юриш-туришларнинг ўзгариб қолди?

— Мен ҳам ҳарбийга ўтсамикан деб турибман... Ота кулимсради.

— Ҳа, гап бу ёқда дегин, омадингни берсин ўғлим. Ўз юртинга қанча хизмат қилсанг ҳам оз.

Қўлида гулдек ҳунари бор, аскарликда роса икки йил тобланган йигит кўп ўтмай ўзиюрар тўпчилар дивизионда хизматни бошлаб юборди.

Мана, шунга ҳам олти йил бўлиб қолибди. Бугун Баҳриддин Эргашев батарея техник, кичик сержант. Техникага бўлган қизиқиши, махсус техник адабиётлар асосида таъмирлаш сир-асрорларини чуқур ўргангани учун унга бу лавозимни ишониб топширишган.

— Баҳриддин тажрибали жангчи, ўз касбининг устаси, — дейди батарея командири катта лейтенант Ойбек Усмонов. — Жанговар техникларнинг доимий шай ҳолатда сақланишида, уларни ўз вақтида мавсумга тайёрлашда, полигонларда, узоқ масофаларга чиққанмишда панд бермай ишлашида унинг ҳиссаси жуда катта. Намунали хизматлари учун «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» эсдалик шиони билан тақдирлангани ҳам шундан-да.

Ҳа, сафдошлари, командирлари ҳурматини қозониб келган кичик сержант Баҳриддин Эргашевнинг ка-

сбий маҳорати, тажрибаси йилдан йилга ошиб бормоқда. Қишқи ўғув мавсуми синов машғулотларида муваффақият билан қатнашгани бунга яққол мисолдир.

— Баҳорги синов машғулотларига батареямиз, дивизионимиз шахсий тарихи жуда катта тайёргарлик кўрди. Айниқса, жанговар техника шайлигига алоҳида эътибор қаратдик. Полигонда обдон машқ қилдик. Шунинг учун ҳам яхши натижаларни қўлга киритдик. Мен илгор сафдошларим қаторида навбатдаги муҳим синов-имтиҳонлардан ўтганимдан хурсандман, — дейди мамнуният билан аълочи кичик сержант.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтмасак, инсофдан бўлмайди. Негаки, кунинг кеча кичик сержант Баҳриддин Эргашевнинг баҳорги синов машғулотларида эришган ютуқлари қувончига яна бир қувонч, хурсандчилик қўшилди. Аккалари изидан борган Баҳодир сержантлар тайёрлаш мактабини тугатди. Энди у ҳам Баҳром, Баҳриддин каби ҳарбий профессионал, посдонлик машаққатларини дадил енгиб ўтишга ҳозир.

Бир эмас, икки эмас, уч ўғиллар ҳарбий либосни энгига кийиб, юрт қўриётган Очил акаю Ойнагул ола-ларнинг улардан қанчалик фахрланишлари, гурурланишлари эса алоҳида бир мавзу.

— Фарзандларим мард ўғлонлар сафида эканига мингнинг шукур қиламан, қўлларим доим дуода. Ҳарбийларимиз доим омон бўлсин, — дейди отахон.

Майор Азимбек УСМОНОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

## ● БАҲОРГИ ЧАҚИРУВ — 2003

# Ёшлар Ватан Ҳимоясига Отланмоқда

Айни кунларда республикамизнинг барча вилоятларида — «Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги янги Қонун талаблари асосида ёшларни хизматга чақириш ишлари жадал давом этапти.

Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бошқармаси ва бўлинмаларида ҳам бу борада олиб борилаётган ишлар ўз натижаларини бермоқда.

— Ёшларимизнинг ижтимоий аҳволи, жисмоний бақувватлиги ва эгаллаган мутахассислигига катта эътибор қаратмоқдамиз, — дейди Ҳарбий ҳаво кучларидан саралаш (танлов) асосида ёшларни хизматга қабул қилиш учун ташриф буюрган майор Ҳамза Ғоипов суҳбат чоғида.

Кунинг кеча Мудофаа ишлари бошқармасининг чақирув пунктда йигитларни хизматга кузатишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Маросимда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши масъул ходими Б. Бердишев, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Ш. Тўхтаев, «Нуроний» жамғармаси раиси Ж. Муяйдинов, шунингдек «Намолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмитаси, Нукус шаҳри ҳокимиятидан вакиллар, иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ва ота-оналар сўзга чиқишди. Улар ўз сўзларида Ватан ҳимояси учун хизматга отланаётган йигитларимизнинг юртимиз осойишталиги йўлидаги посдонлик бурчларини чин дилдан адо этишларини тиладилар ва ота-оналарини юзларини ерга қаратмай, виждонан хизмат қилишларига ишонч билдиришди.

Шундан сўнг чақирилувчилар, уларнинг ота-оналари ва йигитлар хузурида «Аму тонги» ансамбли томонидан катта концерт дастури намойиш этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бошқармаси тиббий кўрик комиссияси бошлиғи ўринбосари, олий тонфадаги врач Бахтиёр Каипов билан хизматга чақирилувчи йигитларни тиббий кўрикдан ўт-

казиш ишларининг бориши тўғрисида қисқача суҳбат уюштирдик.

— Чақирилувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш комиссияси тарихига турли хил мутахассисликка эга бўлган малакали врачлар жалб қилинган. Тиббий кўрик ишларини шу йилги Вазирлар Маҳкамасининг 95-сон қарори ва Мудофаа вазирининг 137-сонли буйруғига асосан олиб бормоқдамиз.

Бу йилги ўтказилаётган тиббий кўригимиз ҳар йилгидан фарқ қилиб, чақирилувчи ёшларни такомиллаштирилган усулда, яъни уларнинг ҳар бирини синчиклаб тиббий кўриқдан ўтказмоқдамиз. Айниқса, бу йили бизга берилган ФГДС, УЗИ тиббий аппаратлари жуда қўл келди.

Тиббий комиссиямиз аъзоларидан тиббиёт фанлари номзооди С. Абдуллаев, олий тонфадаги врачларимиздан Т. Торемуратов ва Ш. Адилбековлар ўз хизмат вазифаларига масъулият билан ёндашиб келишмоқда.

Шу билан бирга, бу йилги ўтказилаётган тиббий кўригимизнинг яна бир ўзгачалиги шундан иборатки, кўриқдан ўтиб, соғлом деб топилган ҳар бир йигит хизматга кетиш кунин яна бир марта тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Сабаби, тиббий кўриқдан ўтгандан сўнг хизматга жўнаб кетиш кунига бўлган давр ичида уларнинг организмда ўзгариш ёки ҳар хил сабабларга кўра енгил шикастланиш бўлиши мумкин.

Автобусларга чиқиш учун буйруқ берилди. Хизматга отланаётган йигитларимизни кузатиш учун ташриф буюрган ота-оналар, қариндош ва дўстлар энг яхши эзгутилакларини билдиришиб, уларга оқ йўл тилаб қолишди. Бу йилги баҳорги чақирув олдингиларидан тубдан фарқ қилади. У янги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги Қонун талабларидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда. Унга кўра, муддатли хизмат қилувчилар бир йил хизмат қилишадир.

Шартнома бўйича хизмат сержанти Амаабай АРЗИЕВ. (Нукус гарнизони).


## ● ВЕСТИ ИЗ ГАРНИЗОНОВ

### НА ДОРОГЕ — ПОРЯДОК

Нелегко пришлось технику-инспектору ХАН Бухарского гарнизона сержанту Бахтиеру Зайриеву и его сослуживцам в дни, когда войны частей и подразделений сдавали весеннюю проверку. Днем и ночью выезжала на полигоны мощная военная техника, выполняющая учебно-боевые задачи.

Сержант Б. Зайриев, обладая большими техническими знаниями и жизненным опытом, всегда находился на самом ответственном участке. Его умение подсказать неопытным военнослужащим очень помогло успешно справиться со всеми поставленными задачами.

Лейтенант С. АХАТОВ.



Убайдулло Раҳмонов бир неча йиллардан буён Қуролли Кучлар хизматчиси. Касби ҳайдовчи. Уни барча ҳурмат қилиб «Уста бобо» деб чақиришади. Бу бежизга эмас, албатта, у ўзига биритилган машинани маҳорат билан бошқаради ва шу билан бир-

галикда ҳарбий ҳайдовчиларнинг энг яқин маслаҳатгўйи ва устозидир. Чунки Убайдулло ака автомашиналарининг «тили»ни жуда яхши тушунади.

Александр МРУЧАК олган сурат.

## Ҳамкорлик ҳар қандай офатни енгади

(Давоми. Боши 1-бетда).

машқларни реал воқеликка янада яқинлаштириш имконини берди.

Халқаро машқлар доирасида қидирув-қутқарув машиналарини очиб кўргазмаси ҳам уюштирилди. Унда, айниқса, Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарувчилари намойиш этган махсус қутқарув машинаси катта қизиқиш уйғотди. «Самкочавто» қўшма юртноҳасида тайёрланган бу техника фавқулодда вазиятларда уздуксиз алоқани таъминлаш, юк ортини ва ташини ишларида жуда қўл келади,

— Марказий Осиёда биринчи бор ўтказилган бундай нуфузли халқаро машқларда Ўзбекистонлик қутқарувчилар алоҳида ўрнани кўрсатди, — дейди Украина Фавқулодда ҳолатлар хизмати вакили Иван Загайка. — Улар воқеа содир бўлган ҳудудларда тезкор ва тўғри ҳаракат ва ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ ишларни меъёрида бажарди. Ўзбек қутқарувчиларининг замонавий қидирув-қутқарув техникаси, ашжомлари ва алоқа воситалари билан қуроллангани билан ҳам кўпчиликдан ажралиб турди.

Халқаро машқларни бевоқифа кузатиб борган хорижлик мутахассислар фикрича, тадбир юксак савияда ташкил этилди. Нухта режа ва амалий ҳамкорлик асосида ўтказилган машқлар турли давлатлардан келган қутқарувчиларга ўз билми ва кўникмаларини амалда синовдан ўтказиш, янада такомиллаштириш, тажриба орттириш, юзага келадиган ҳалокатларга қарши зудлик билан чора кўриш имконини берувчи бир хил ёндашув ва механизмларни ишлаб чиқишда қўл келади.

Расулжон КАМОЛОВ, ЎЗА мухбири.

# ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛА ВСЕХ И КАЖДОГО

● АБИТУРИЕНТ ДИҚҚАТИГА!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИ

- ТОШКЕНТ ОЛИЙ УМУМҚУШИН ҚУМОНДОНЛИК БИЛИМ ЮРТИ
- ЧИРЧИҚ ОЛИЙ ТАНК ҚУМОНДОНЛИК-МУҲАНДИСЛИК БИЛИМ ЮРТИ
- САМАРҚАНД ОЛИЙ ҲАРБИЙ АВТОМОБИЛЬ ҚУМОНДОНЛИК-МУҲАНДИСЛИК БИЛИМ ЮРТИ
- ЖИЗЗАХ ОЛИЙ ҲАРБИЙ АВИАЦИЯ БИЛИМ ЮРТИ
- ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ МАХСУС ФАКУЛЬТЕТИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун ма-лакали офицер кадрлар тайёрлаш мудофаа Доктринаси, Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури», «Мудофаа тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг буйруқлари ва талаб-ларига мувофиқ амалга оши-рилади.

Айни пайтда Республика-мизда туртта олий ҳарбий билим юрти ва Тошкент ах-борот технологиялари уни-верситетининг махсус фа-культетида ҳарбий офицер кадрлар тайёрлаш йўлга қў-йилган.

**ТОШКЕНТ ОЛИЙ УМУМ-ҚУШИН ҚУМОНДОНЛИК БИЛИМ ЮРТИ** 1918 йил 12 июлда ташкил этилган. Ўзбекистон Респу-бликаси ўз мустақиллигини қўлга киритиши Тошкент ОУҚБЮ тарихида ҳам янги саҳифа очди. У кенг тармоқ-ли билим юртига айланди ва унда:

- мотоўқчи бўлимлари-ни жағовар қўллаш;
- қўшни разведкаси бў-лиmalarини жағовар қўл-лаш;
- шахсий таркиб билан ишлаш ихтисосликлари бў-йича кадрлар тайёрлаш йў-лга қўйилган.

**ЧИРЧИҚ ОЛИЙ ТАНК ҚУМОНДОНЛИК - МУҲАН-ДИСЛИК БИЛИМ ЮРТИ** 1918 йил 16 ноябрда Рос-сия Федерациясининг Ниже-город шаҳрида ташкил то-нган. Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, 1941 йилнинг 15

ноябрь-куни бир қатор са-ноат корхоналари билан бир-галликда билим юрти Чирчиқ шаҳрига кўчирилган.

- Билим юртида:
- танк бўлимлари, қисмлари ва қўшилмаларини жағовар қўллаш;
  - жағовар техникалар-ни эксплуатация қилиш бў-йича муҳандислар;
  - ҳаво-десаант бўлима-лари, қисмлари ва қўшил-маларини жағовар қўллаш;
  - ҳаво ҳужумидан му-дофаа қўшилларининг бў-лими, қисм ва қўшилмала-рини жағовар қўллаш;
  - шахсий таркиб билан ишлаш ихтисосликлари бў-йича офицер кадрлар тайёр-ланмоқда.

**САМАРҚАНД ОЛИЙ ҲАРБИЙ АВТОМОБИЛЬ ҚУМОНДОНЛИК - МУҲАН-ДИСЛИК БИЛИМ ЮРТИ** 1969 йил 20 ноябрда таш-кил топган.

- Билим юртида:
- автомобиль бўлима-лари, қисмлари ва қўшил-маларини қўллаш;
  - автомобиль техникалар-ини эксплуатация қилиш ва таъмирлаш;
  - артиллерия бўлима-лари, қисмлари ва қўшилмала-рини жағовар қўллаш;
  - савёр-муҳандис бў-лиmalarини жағовар қўллаш;
  - таъминот хизмати му-тахассислиги бўйича офи-цер кадрларини тайёрлаш ташкил этилган.

**ЖИЗЗАХ ОЛИЙ ҲАР-БИЙ АВИАЦИЯ БИЛИМ ЮРТИ.** Ўзбекистон Республикаси

Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондо-ни Н. А. Каримовнинг та-шаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги қарорига му-вофиқ ташкил этилган. Би-лим юртида ҳарбий учувчи-лар ва авиация-муҳандисли-ги мутахассисликлари бўй-ича офицер кадрлар тайёр-лаш, малака ошириш ва ҳарбий илмий ишлари таш-кил этиш йўлга қўйилган.

- Билим юртида:
- самолёт учувчи муҳан-дис;
  - самолёт, вертолёт ва двигателлар бўйича техник;
  - авиация жиҳозлари бў-йича техник;
  - радиоэлектрон жиҳоз-лар бўйича техник;
  - авиация қуроллари бў-йича техник мутахассисли-клари бўйича офицер кадр-ларини тайёрлайди.

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИ-ВЕРСИТЕТИНИНГ МАХ-СУС ФАКУЛЬТЕТИ** Ўзе-бекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамасининг 1993 йил 13 майдаги фармони-га асосан ташкил топган.

Махсус факультет 1994 йилдан бошлаб мамлакатни-миз куч тузилмасининг бар-ча вазирликларига ҳарбий алоқачиларни ва ҳаво ҳужу-мидан ҳимоя йўналиши бў-йича радиотехника восита-ларини эксплуатация қилиш бўйича муҳандис офицерла-рини тайёрлаб бермоқда.

Ҳозирги кунда махсус факультетда етти кафедра ташкил қилинган бўлиб, уларда:

— ўрта қувватли радио-станция ва конзоот алоқа станциялари бўлиmalarини қўллаш;

- кўп каналли тропосфе-ра ва узоқ масофали алоқа бўлиmalarини қўллаш;
- қўшилларини автомат-лаштирилган бошқаруви ва махфий алоқа;
- криптограммаларни ҳимоя хизмати ва ахборот хавф-сизлигини таъминлаш;
- радиотехник разведка ва радиоэлектрон кураш;
- ҳаво ҳужумидан му-до-фаа, радиотехника ва зенит-ракета қўшилларини жа-ғовар қўллаш бўйича офи-цер кадрлар тайёрланмоқда.

Ҳарбий ўқув юртларига тугалланган ўрта маълумот-ли Ўзбекистон Республика-сининг қуйидаги фуқаролари қабул қилинади:

— 17 ёшдан 21 ёшгача бўлган фуқаролар, шу жум-ладан ўқини қабул қилин-ган йили 17 ёшга тўладиган фуқаролар;

— офицерлар таркиби ҳарбий унволларига эга бў-лмаган, 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга маж-бур-лар.

Мазкур шахслар ўқини кириш йилининг 25 майига-ча япаш жойидаги туман ёки шаҳар мудофаа ишлари бўлимига (муддатли ва кон-тракт бўйича ҳарбий хизмат-чилар қисм командирлари-нинг номига рапорт) ариза берадилар. Аризада (рапорт-да) фамилияси, исми, отаси-нинг исми, туғилган йили ва ойи, турар жойининг

манзилгоҳи, абитуриент ки-ришини истаган ҳарбий би-лим юртининг номлавиши кўрсатилади. Аризага гар-жиман ҳоли, иш жойи ёки ўқини жойидан тавсифнома, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси, учта фотосурат (бош кийимсиз, 4,5x6 см ўлчовда) илова қи-линади. Паспорт, ҳарбий гу-воҳнома ёки ҳарбий ҳисоб-да турганлик ҳақидаги гу-воҳнома, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси номзод томонидан ҳарбий билим юртининг қа-бул комиссиясига кўрсати-лади.

Ўқув дастурини тўлиқ ўз-лаштирган ва Давлат имти-ҳонларини муваффақиятли топширган курсантларга «Лейтенант» офицерлик ун-вони ҳамда соҳасига муво-фиқ олий маълумотни тас-диқловчи давлат намунаси-даги диплом ва кўкрак ни-шонни топширилади.

Олий ҳарбий билим юртларининг манзиллари:  
Тошкент ОУҚБЮ: 700052,  
Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 2-уй.

Чирчиқ ОТҚБЮ: 702115, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 15-уй.  
Самарқанд ОҲАҚБЮ: 700056, Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳ кўчаси, 56-уй.

Жиззах ОҲАБЮ: 708000, Жиззах шаҳри, Ҳамроюл Носиров кўчаси, 3-уй.  
Тошкент АТУ махсус фа-культети: 700099, Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 118-уй.

● ҒАФУР ҒУЛОМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## МУНОСИБ ТУҲФА

Ҳақиқий шоирнинг, ёзувчининг ижоди битмас-туганмас ҳазина. У йилларни, асрларни висанд қилмайди, доим эл хизматида, эл ардоғида. Миллат маънавиятини, руҳиятини шакллантиради, қувончю ташвишнинг, ўтмишю келажакнинг ўзида акс эттиради.

Ғафур Ғуломнинг бебаҳо асарлари ҳам бунга яққол ми-солидир. Айни кунларда халқимиз ҳаёти, ижоди билан ўзбек-нинг бағрикенглиги, тантилиги, доншмандлиги, зукколиги намунасига айланган устоз шоир таваллудининг 100 йилли-гини кенг миқёсда нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Шаҳар ва туманларда, маданият даргоҳларида учрашувлар ўтказил-моқда. Жумладан, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси ҳам ушбу сана муносабати билан кат-та ишларга бел боғлади. Бу ҳақда баъдий адабиётлар ва дарсликлар бўлими мудираси Назира ЖҲРАЕВА шундай дейди:

— Миллий адабиётимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшган академик шоир Ға-фур Ғулом таваллуди муно-сабати билан бир жилдлик «Танланган асарлар», «Ға-фур Ғулом замондошлари хо-тирасида» ҳамда «Ғафур Ғу-лом» (шоир ҳаёти ва шеър-ий ижодига бир назар) рисо-лаларини чоп этиш устида қизғин иш олиб бормоқда-миз.

«Танланган асарлар»да устоз шоирнинг назмий ва насрий асарлари жамланган. Китобни шоирнинг қизи Ол-мос тайёрлаган. Масъул му-ҳаррир филология фанлари доктори, профессор Наим Каримовдир. Ушбу китоб-

нинг ilk саҳифаси Ўзбеки-стон халқ шоири, Ўзбекистон Ҳаҳрамони Абдулла Ори-повнинг «Ўзбекининг ўз шои-ри» сарлавҳали сўзбошиси билан бошланади.

«Танланган асар»нинг назм бўлимига халқимиз дилидан жой олган, уларга ёд бўлиб кетган «Тошкент», «Бари сенники», «Кузатиш», «Сен етим эмассан», «Соғиниш», «Вақт», «Нигитларга», «Она-хонларга», «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим» на-би шеърлар киритилган.

Наср саҳифаларида эса Ға-фур Ғуломнинг халқимиз то-монидан ҳамон севиб ўқиб келинаётган «Едгор», «Шум бола» қиссалари, «Чорбозор-

чи», «Фарзанди солиҳ», «Ме-нинг ўғригина болам», «Ҳа-сан Кайфий», «Афанди ўл-майдиған бўлди» каби ҳикоя-лари ҳавола этилмоқда.


Жамоатчилик асосида тай-ёрланган «Ғафур Ғулом за-мондошлари хотирасида» ри-соласида ўқувчиларимиз машҳур шоирлар, ёзувчилар, олимлар, қардош халқлар ижодкорларининг бири-би-ридан қизиқарли эсдаликла-ри билан танишадилар.

Адабиётшунос олим Наим Каримов «Ғафур Ғулом» (шоир ҳаёти ва шеърый ижо-дига бир назар) деб номлан-ган рисоласида устоз шоир ижодига бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашган. Ушбу рисолада Ғафур Ғулом ҳаё-тининг ҳали кўпчилигига но-маълум бўлган қирралари ҳақида ҳикоя қилинади, унинг сара шеърлари ярат-лиши тарихи, гоёвий йўнали-ши ва баъдий жозибаси ҳа-қида фикр-мулоҳаза юрити-лади.

Хулоса қилиб айтганда, нашрга тайёрланаётган аса-рлар Ғафур Ғулом таваллу-дига, адабиёт аҳлига, шоир мухлисларига, кенг китоб-хонлар оmmasига муносиб туҳфа бўлади, деган умидда-миз.

«Ватанпарвар» мухбири майор Азимбек УСМОНОВ суҳбатлашди.

◆ РЕКЛАМА ◆ 56-54-76 ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆



КУПЛЮ

ПРОДАЮ

◆ Холод., мороз., шв. маш., оверлок, газ. пл., ви-део-, телеаппаратура, БК. Т.: 90-73-29, 128-18-98.

◆ Холод., мороз., шв. маш. Т.: 90-99-29.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 29 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бух-галтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юри-тиш, шунингдек бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари

учун хорижий валюталар-нинг сўмга nisbatан қуйи-даги қийматини белгилади:\*/

1 АҚШ доллари 967.63  
1 евро 1069.33

\*/ Валюта қийматини бел-гилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-ки мазкур валюталарни уш-бу қийматда сотиш ёки со-тиб олин мажбуриятини ол-маган.

5-11 МАЯ

ПОНЕДЕЛЬНИК, 5.05

7.30 «Битлборги». 7.55 «Пауэр Рейнджеры, или Могучие рейнджеры».

18.50 «Дружная семейка». Комедийный сериал.

ВТОРНИК, 6.05

17.00 «Человек-паук». Мультсериал.

СРЕДА, 7.05

7.30 «Битлборги». 7.55 «Пауэр Рейнджеры, или Могучие рейнджеры».

8.50 «Человек-паук». Мультсериал. 9.15 «Дикая планета».

ЧЕТВЕРГ, 8.05

7.30 «Битлборги». 7.55 «Пауэр Рейнджеры, или Могучие рейнджеры».

ПЯТНИЦА, 9.05

8.00 «Кино»: Героический фильм «Подвиг Одессы».

Суббота, 10.05

7.30 Музыкальный канал. 8.30 «Дикая планета».

12.20 «Планета «Фокс Кидс». Концерт звезд мировой поп-музыки из Роттердама.

Пятница, 9.05

8.00 «Кино»: Героический фильм «Подвиг Одессы».

Воскресенье, 11.05

7.30 Музыкальный канал. 8.30 «Дикая планета».

12.20 «Планета «Фокс Кидс». Концерт звезд мировой поп-музыки из Роттердама.

Пятница, 9.05

8.00 «Кино»: Героический фильм «Подвиг Одессы».

Воскресенье, 11.05

7.30 Музыкальный канал. 8.30 «Дикая планета».

5 МАЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!». 8.00 «Тахлинома».

5 МАЯ

17.20 «Узы любви». 17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс».

5 МАЯ

6.30-8.00 «Первый канал». 18.35 Вести.

5 МАЯ

9.00 «Давр тонги». 10.00 «Янги авлод».

5 МАЯ

10.45 «Достойный давоми». 11.00 «Давр-ньос».

5 МАЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!». 8.00 «Тахлинома».

5 МАЯ

17.20 «Узы любви». 17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс».

5 МАЯ

6.30-8.00 «Первый канал». 18.35 Вести.

5 МАЯ

9.00 «Давр тонги». 10.00 «Янги авлод».

5 МАЯ

10.45 «Достойный давоми». 11.00 «Давр-ньос».

5 МАЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!». 8.00 «Тахлинома».

5 МАЯ

17.20 «Узы любви». 17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс».

5 МАЯ

6.30-8.00 «Первый канал». 18.35 Вести.

5 МАЯ

9.00 «Давр тонги». 10.00 «Янги авлод».

5 МАЯ

10.45 «Достойный давоми». 11.00 «Давр-ньос».

5 МАЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!». 8.00 «Тахлинома».

5 МАЯ

17.20 «Узы любви». 17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс».

5 МАЯ

6.30-8.00 «Первый канал». 18.35 Вести.

5 МАЯ

9.00 «Давр тонги». 10.00 «Янги авлод».

5 МАЯ

10.45 «Достойный давоми». 11.00 «Давр-ньос».

5 МАЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!». 8.00 «Тахлинома».

5 МАЯ

17.20 «Узы любви». 17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс».

5 МАЯ

6.30-8.00 «Первый канал». 18.35 Вести.

5 МАЯ

9.00 «Давр тонги». 10.00 «Янги авлод».

5 МАЯ

10.45 «Достойный давоми». 11.00 «Давр-ньос».

17.00 «Человек-паук». Мультсериал. 17.25 «Флинт — детектив во времени».

17.55 «Пауэр Рейнджеры, или Могучие рейнджеры». 18.20 «Битлборги».

18.50 «Дружная семейка». Комедийный сериал. 20.55 «Симпсоны».

17.00 «Человек-паук». Мультсериал. 17.25 «Флинт — детектив во времени».

17.55 «Пауэр Рейнджеры, или Могучие рейнджеры». 18.20 «Битлборги».

18.50 «Дружная семейка». Комедийный сериал. 20.55 «Симпсоны».

17.00 «Человек-паук». Мультсериал. 17.25 «Флинт — детектив во времени».

17.55 «Пауэр Рейнджеры, или Могучие рейнджеры». 18.20 «Битлборги».

18.50 «Дружная семейка». Комедийный сериал. 20.55 «Симпсоны».



**● ФУТБОЛ. ХАЛҚАРО ҲАТТОҚЛИК УЧРАШУВИ ТАЖРИБА УСТУН КЕЛДИ**

Кеча Тошкентдаги «Пахтакор» марказий ўйингоҳида Ўзбекистон ва Беларусия терма жамоалари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Бу учрашува Европа чемпионати саралаш учрашувларига тайёргарлик кураётган Беларусия терма жамоаси учун ҳам, Осиё чемпионати саралаш ўйинларига тайёргарликни бошлаган терма жамоамиз учун ҳам аҳамиятга эга эди. Меҳмонларимиз Тошкентга тажрибали ўйинчилардан иборат бўлган асосий тартиб билан ташриф буюришди. Р. Ҳайдаров бошчилигидаги терма жамоамизга легионерлар билан биргаликда олимпия терма жамоамиз аъзолари ҳам таклиф этилди. Биринчи бўлимда жамоамиз таркибни Н. Ширишов, А. Аюпжон, В. Шишелов, А. Федоров, А. Поляков каби легионерларимиз ва «Пахтакор» футболчилари ташкил этишди. Учрашув футболчиларимизнинг бетмакет ҳужумлари билан бошланди. Бир неча хавфли вазиятлар юзга келди, аммо ҳужумчиларимиз имкониятлардан фойдалана олмади-

лар. Беларусия футболчилари эса қарин ҳужум тактикасида ҳаранат қилдилар ва 15-дақиқада шундай ҳужумлардан бири натижасида ҳисобни очинишга муваффақ бўлдилар. Бўлим мобайнида устуликка эга бўлган футболчиларимиз фақат 43-дақиқада ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди (В. Шишелов). Иккинчи бўлимда терма жамоамиз мураббийлари асосан ёш ўйинчиларни туширишди. Бўлим яна ўзбекистонликларнинг тўлиқ устулигида ўтди. Қўрқиниб учун меҳмонларнинг бир ўйинчиси майдондан четлагилди. Аммо футболчиларимиз бундан имкониятлардан фойдалана олмадилар. Бунинг устига, ушатирилган сақонли ҳужумлардан бири натижасида жамоамиз дарвозасига иккинчи тўп киритилди — 1:2. Тажрибали Беларусия футболчилари шу ҳисобда галаба қозондилар ва 2001 йилда Болгарияда ўтказилган туоинида Ўзбекистонлик футболчиларга бой берилган ўйин учун реванш олдилар.

М. САДИВАЛИЕВ.

**● ФУТБОЛ ОЛАМИДА БИР ЧЕМПИОНАТ ТАРИХИ**

Футбол бўйича биринчи жаҳон чемпионати 1930 йилда Уругвайда бўлиб ўтган. Айнан мана шу чемпионат билан боғлиқ айрим қизиқ маълумотлар ила қисқача таништириб ўтсам.

Жаҳон чемпионатлари тарихида энг биринчи гол 1930 йилнинг 13 июлида Франция миллий терма жамоаси ўйинчиси Люсьен Лоран томонидан киритилган.

Руминиялик Перуанец Галиндо айнан шу жаҳон чемпионатида биринчи «қизил карточка» соҳиби бўлган.

Футбол тарихида биринчи марта Уругвай терма жамоаси бир кўли ўйинчи — ҳужумчи Эктор Костро билан майдонга тушган. Ажабланишлик шундаки, айнан шу ўйинчи чемпионатнинг охи-

ги голини киритган. Америкалик ҳужумчи Брету Пайтрод мазкур жаҳон чемпионатида биринчи «хет-трик» соҳиби ҳисобланади. Қизиқ шундаки, у учинчи голини ўз дарвозасига киритиб юборган.

Монтевидеода бўлиб ўтган финал учрашувида Уругвай терма жамоаси Аргентина терма жамоасини 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, биринчи жаҳон чемпиони деган номни кўлга киритган. Бу чемпионатда энг кўп гол соҳиби аргентиналиклар ҳисобланган, энг яхши ҳужумчи ҳам Аргентина терма жамоаси ўйинчиси Стабиле деб топилган. Лекин, афсуски, ҳал қилувчи ўйинида омад улардан юз ўғирди.

Тўловчи: Зонрхон АҚРАМОВ.

**● ТЕЛЕАНОНС «ВАТАНИМГА ХИЗМАТ КИЛАМАН»**

11 май в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередную выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат киламан», подготовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

В этом выпуске тележурналисты Военной студии подготовят репортажи о том, как в военных округах и гарнизонах принимают в воинских коллективах новое пополнение весеннего призыва, а также из Школ подготовки сержантов о состоявшихся выпусках. Прозвучит в передаче и тема о Дне Памяти и Почестей. Также вы увидите сюжеты в постоянных рубриках.


Повтор этого выпуска смотрите во вторник, 13 мая, в 16.55. Наш корр.

**ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД. ОПУБЛИКОВАННЫ В № 50**

**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 3. Салака, 7. Кружало, 8. Латакия, 9. Плиссе, 10. Дворник, 11. Новатор, 12. Афшона, 15. Оникс, 18. Плато, 20. Окулст, 21. Осанна, 22. Ректор, 23. Театрал, 24. Стопа, 26. Нанна, 29. Ураган, 31. Склероз, 32. Истука, 33. Ниязов, 34. Галушка, 35. Холерик, 36. Кадмий.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Древо, 2. Джерси, 3. Сомка, 4. Алена, 5. Канава, 6. Кино, 13. Фокстерьер, 14. Носогрейка, 16. Наоборот, 17. Салфетка, 18. Планктон, 19. Трамплин, 24. Сократ, 25. Олекун, 27. Игмен, 28. Анализ, 29. «Узник», 30. Нивхи.

**КРОССВОРД**



**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 6. Снасти судна, 8. Наибольшее количество, 10. Кустарник или дерево, род ивы, 11. Бечевка, 13. Боевое построение пехоты, 14. Яичница из взбитых яиц с мукой и молоком, 15. Замужняя женщина в Англии и Америке, 17. Болезнетворное начало, распространяемое микробами, 19. Главный труд Евклида, 20. Наблюдение с целью проверки, 24. Романтическая поэзия, 25. Крайнее усердие в работе, 26. Бочка с прямыми боками, 28. Знаменитый хоккеист, 29. ... Делон, 30. Стелка, «мешающая жить» плоско-стопию, 32. Моллюск, название которого «пересчитало» ему все конечности, 33.

Единица измерения количества теплоты.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Воспаление гортани, 2. Узбекская конноспортивная игра с тушей козла, 3. Воспаление молочной железы, 4. Ишак, 5. Маис, 7. Челюсть рака, жука, 9. Нечто подобное, 12. Площадь для состязаний в средние века, 13. Систематизированное собрание сведений, 16. Возвращает продавца, 17. Страстность, горячность в поведении, работе, 21. Японский автомобиль, 22. Русалка, наяды в германской мифологии, 23. «Подлый» поступок, 26. Искусственное волокно, 27. Знаменитый детский лагерь, 30. ... Ахмат, 31. «Липа» свиный.

**ПО КРУГУ (ПО ЧАСОВОЙ СТРЕЛКЕ):** 18. Сеть, организуемая с целью сбора секретной информации.

Составила З. ИСАКОВА.

**АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ**

**ОВЕН.** Не слушайте никого. Поступайте так, как считаете нужным. Хорошая неделя для принятия решений и построения новых планов. Есть неплохой заработок. Возможно, придется ехать достаточно далеко. Не надо рассчитывать на друзей — от них больше забот. С начальством и властями отношения складываются плохо, так что если важную встречу можно перенести на другую неделю, лучше так и сделать. Успехи во вторник, среду (особенно), субботу и воскресенье.

**ТЕЛЕЦ.** Рост авторитета, сильные идеи, правильные решения. Хорошие отношения с окружающими, в семье. Не доверяйте друзьям — на этой неделе вас могут «подставить». С начальством и властями многое непонятно — важные встречи лучше отложить.

**БЛИЗНЕЦЫ.** Принять важное решение помогут друзья. Хорошие конструктивные отношения с коллегами и подчиненными. Возможно, кто-то вернет старый долг. Начальник утомляет своей активностью. Недопонимание с ребенком. У мужчин затруднения в

бизнесе. У женщин — конфликт. Успехи во вторник, среду, пятницу и субботу.

**РАК.** Воздержитесь от принятия каких-либо важных решений — будет много ненужных соблазнов и самообмана. От начальства надо держаться подальше — можете попасть под горячую руку. Вообще, лучше заниматься домашним хозяйством или переместиться поближе к природе, покататься в земле. Хороший день — пятница.

**ЛЕВ.** Делайте все с достоинством и по закону — и все будет хорошо. Подходящее время для поездок и переговоров. Возможен возврат долга или получение кредита или еще какой-то дополнительный доход. Судебные дела лучше отложить, как и далекие поездки. Можно вкладывать деньги в ценные бумаги. Успехи в понедельник и воскресенье.

**ДЕВА.** Возможен открытый конфликт в семье и с деловыми партнерами. Лучше всего поехать в командировку в дальние края. Нет никаких отношений с начальством и властями. Нет особенных

успехов в бизнесе. С друзьями все в порядке. Неприятности в понедельник и воскресенье.

**ВЕСЫ.** Тяжелая обстановка дома и в семье. Возможно, приехал какой-нибудь неприятный родственник. Успешны далекие поездки и решение юридических вопросов. Прекрасные отношения с начальством и властями, можно договариваться по важным вопросам. Сложные отношения с деловыми партнерами. Может быть конфликт. Успехи в среду и пятницу.

**СКОРПИОН.** Самочувствие неважное, может быть, из-за того, что не все получается на работе. Зато большая удача связана с поездками и переговорами, с автомобилем, телефоном и компьютером. Возможны интересные идеи, важные планы. Отношения с юристами носят неформальный характер. С высшей школой и высшим образованием все складывается хорошо. Успехи в понедельник и пятницу.

**СТРЕЛЕЦ.** Падение авторитета, склонность к конфликтам и спорам, неправильные решения. Ждите явных неприятностей от друга. Хорошая обстановка дома и в семье. Возможно приобретение в дом полезных в хозяйстве предметов. Подходящее время для дальних

поездок и судебных дел. Успехи в понедельник и среду.

**КОЗЕРОГ.** Забот хватает. Проблемы с основным заработком. Лучше пока об этом не думать. Можно взять у кого-нибудь денег в займы. Хорошие отношения с банком и налоговыми организациями. Возможен дополнительный заработок. Ошибки в бизнесе. Конфликт с ребенком. В семье и с деловыми партнерами отношения развиваются успешно. Успехи в понедельник, четверг и пятницу.

**ВОДОЛЕЙ.** Пора в путь-дорогу. Командировка решит многие проблемы. Товарищи дадут займы денег на дорогу. И не надо особенно афишировать ваши намерения. Скромность украшает. Вообще, настроение веселое. Успехи в понедельник и воскресенье.

**РЫБЫ.** Рост авторитета, успешные решения, интересные идеи. Есть дополнительный заработок. Проблемы с бизнесом. Успешны поездки и оформление документов. Коллеги и подчиненные очень помогают вашей работе. Не надо особенно рассчитывать на правосудие, на этой неделе с юристами ничего не выйдет. Затруднения в любви. Успехи в понедельник, четверг (особенно) и воскресенье.

Бош муҳаррир

полковник

И. Қ. АБДУКАРИМОВ

Газета выходит по вторникам четвергам, субботам.

**КОНТАКТНЫЕ ТЕЛЕФОНЫ:**

Отдел подписки — 56-03-46.

Информация, реклама — 56-54-76.

Факс (3712) — 56-07-80.

Наш адрес: 700031, г. ТАШКЕНТ,

УЛ. Д. КУНАЕВА, 21.

Ответственность за достоверность сведений в рекламе и объявлениях несет рекламодатель.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати.

Рег. № 00050.

Отпечатано в типографии газеты «Ватанпарвар».